

Шахмат - мантиқ ва фалсафа фани

Хинд ҳикматларида шахматнинг ўзи ҳаёт фалсафаси ва икки давлат орасидаги муносабатлар тимсоли сифатида изоҳланган. Шундай экан, ақл-идрок, мантиқий мушоҳада шахмат ва шашкада муваффақият қушишининг муҳим гарови эканини билиш аҳамиятлиdir.

“Жаҳон фалсафа куни”га бағишлиланган 2 - ТТЖда “ГИМ” факультети “Гуманитар фанлар” кафедраси ташаббуси билан 2, 3 -ТТЖларда истиқомат қиласиган талабалар ва институт қошидаги академик лицей ётоқхонасида яшовчи барча факультет талабалари -ўғил болалар ҳамда қизлар ўртасида шахмат ва шашка ўйини бўлиб ўтди.

Шахмат бўйича ўғил болалар ўртасида “Еф ва Ек”факультети 212 - гурӯҳ талабаси Сардор Ўролов биринчи ўрини эгаллади. Шашка бўйича қизлар ўртасидаги биринчи ўрин эса “ГМ” факультети 209 - гурӯҳ талабаси Маҳбуба Тоҷиевага насиб этди. Мусобақа якунида ўйин натижасига қараб фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари ва китоблар тақдим этилди.



“Гуманитар фанлар” кафедрасининг асистенти Баҳриддин Муқимов ахбороти

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов